

71-СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

44 01 2022

Урганч ш.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда -Компания) номидан 30.12.2021 йилдаги 27-01-14/6023-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанийнинг Хоразм филиали директори **Самандаров Ахмаджон Султанович** (кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва **Хоразм вилояти Курилиши Боз бошқармаси Низом** (Низом, рўйхатга олинганилик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Е. қаримов (кейинги ўринларда - Абонент) иккиси томондан, (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича кўйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар :

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг **WWW UZTELECOM.UZ** расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатилиши түгрисида абонент шартномасини тузшига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ таънишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадиарда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатилиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловини амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириши учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови **100 (бир юз)** фоиз миқдорида олдиндан тўланади. Дастрлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти **булган** Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган ҳолда) 50000 (Беш жуз минус) сўмни ташкил этади.
Ушбу сумма 50000 (Беш жуз минус) сўм миқдоридан Абонент тўловини ҳамда — миқдоридаги бир маргалик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзоланган кўшимча келишув тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарили маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилимилиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1- кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиши учун ариза топшириши керак. Блокировка килиши тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишсида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдиган хисоб-фактура билан ёнилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг, тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун)** куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангиринган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиши имконияти берилши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиши тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўргасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Урганч туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуqlари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий этироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаша ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиг булмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/этироzonma/шикоят/таклиф кўрининишидаги мурожаати кўти билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқитади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат тараба этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний Қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўргасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиши муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом этирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги ийла узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Офера акцептини (Абонентнинг Оферга шартларини қабул қилинтиги ҳақида жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, иловва ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарған тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклини ўзгариши ва бошқа ўзгариштар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ун)** календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучта эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ Хоразм филиали	Хоразм вилояти Қурилиш Бош бошқармаси
Манзил: Урганч ш. Н.Кубро кўча.7-йй Тел: 622254330 Банк маълумотлари: Х/р: 20210000204074838423 АТ Алока банк Бош оғиси. МФО: 00401 СТИР: 203366731 ОКЭД: 61100 E-mail: xor_kans@uztelecom.uz КҚС тўловчисини рўйхатдан ўтказиш коди: 326030013817	Манзил: 1000 21860334017044303130001 Тел: Банк маълумотлари: Х/р: МФО: СТИР: ОКЭД: E-mail: КҚС тўловчисини рўйхатдан ўтказиш коди:

Оператор номидан:

Самандаров Ахмаджон Султанович

UCHUN

ОЗБЕКСТОНДОК АДАМНАМАЛАР УЧУН

Абонент номидан:

М.У.

ОРИГИ

Д.М. Саев